

Тадбиркорлар ва манфаатдор хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 мартдаги 67-сонли "2016 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкиллаштириш ҳамда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан "Ўзавтойўл" АК тизимидаги корхоналар жорий йилнинг 27-30 апрел кунлари "Ўзекспомарказ" МКМ ҳудудида ўтказиладиган тармоқ саноат ярмаркасида иштирок этади.

Ярмарканинг асосий мақсади – соҳада фаолият юритувчи корхоналарга ишлаб чиқаришдаги узок муддатли ўзаро алоқаларда ҳамда қайта ишланган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни, тайёр маҳсулотларни етказиб беришда кўмаклашиш, шунингдек, тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш йўли билан янгитдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан яқиндан танишишдир.

Тармоқ саноат ярмаркасида "Ўзавтойўл" АК таркибидаги корхоналардан ташқари "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Ўзқурилишматериаллари" АК, "Ўзмонтажмахсусқурилиш" ҳамда "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмалари тизимларига кирувчи корхоналар, шунингдек, кичик ва хусусий бизнес вакиллари қатнашиб, ишлаб чиқариш салоҳиятларини намоиш этишади. Корхона ва ташкилотлар ўзларининг техник ва технологик имкониятларини янада яққол намоиш этишлари учун уч кун мобайнида улар томонидан тақдимотлар ўтказилади.

Ярмарка ўтказилаётган кунларда "Ўзавтойўл" АК таркибидаги корхоналар томонидан 32 турдаги маҳсулотлар намоиши ташкил этилади.

"Ўзавтойўл" АК матбуот хизмати